O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND SHAHAR
MCHJ shaklidagi
«AFROSIYOB AUDIT STANDART»
AUDITORLIK TASHKILOTI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ГОРОД САМАРКАНД
АУДИТОРСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ
«АФРОСИЁБ АУДИТ СТАНДАРТ»
В ВИДЕ ООО

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Фарход кўчаси 34/29 Тел:+99866 234-80-34, +99891 528-24-46
Телеграмм +99897 921-24-46, e-mail: afrosiyobstandart@mail.ru

№ 076

«22» апреля 2024 й.

"MITAN PAXTA TOZALASH"
акциядорлик жамиятининг
бошқаруви раҳбариятига

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Фикр

Биз **"MITAN PAXTA TOZALASH"** акциядорлик жамиятининг 2023 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, **"MITAN PAXTA TOZALASH"** акциядорлик жамиятининг 2023 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳисоботлари унинг мулкий ва молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Фикр билдириш учун асослар

Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Мазкур стандартларга кўра бизнинг мажбуриятларимиз "Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти" номли бўлимда баён қилинган.

Биз аудит жараёнида олган аудиторлик далилларини ўз фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

Мустақиллик

Биз аудит қилинаётган корхонага нисбатан бухгалтерлар учун аҳлоқ стандартлари бўйича Халқаро Кенгаш томонидан профессионал бухгалтерлар учун ишлаб чиқилган Аҳлоқ кодексига мувофиқ ва **"MITAN PAXTA TOZALASH"** акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботи аудити бўйича аҳлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз ва мазкур талаблар ҳамда Аҳлоқ кодексига тегишли бошқа мажбуриятларни бажардик.

Муҳимлик

Ўтказилган аудиторлик текширувини куламини аниклашга муҳимлик даражасини қуллаш ўз таьсирини кўрсатган. Аудит текширилаётган молиявий ҳисобот муҳим бузиб кўрсатишларга эга эмаслиги юзасидан оқилона ишонч ҳосил қилишга йуналтирилган.

Муҳим бузиб кўрсатишлар корхона ходимларининг фаолият давомида амалга оширган ноқонуний ҳаракатлари ва хатоликлари натижасида юзага келиши мумкин.

Раҳбар - аудитор У.Б.Очилов (АМС №05086) _____

Муҳимлик даражасини аниқлашда биз халқаро амалиётда қулланилаётган услубиётга асосланган ва аудитор ҳисоботига илова қилинган ҳисоб китобни амалга оширдик.

Аудитнинг муҳим масалалари

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Бошқа ахборот

Аудитни ўтказиш жараёнида текширилган молиявий ҳисоботлар ўртасида муҳим зиддиятлар бор йўқлигини аниқлаш ва корхонада қонунчиликка риоя қилинишини ургапиш мақсадида бошқа молиявий ҳамда номолиявий маълумотлар билан танишиб чиқилди ва улар билан молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ўртасида муҳим зиддиятлар мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилинди.

Бу борада корхона раҳбариятига молиявий ҳисобот шаклларидан бўлган корхона Баланси маьлумотларини фойдалилигини янада ошириш ва уни расмийлаштириш борасидаги маълум талабларни тўлиқ бажариш учун унинг тегишли сатрида ҳисобот даврининг боши ва охирига мавжуд бўлган муддати ўтган дебиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттирилиши лозимлиги таъкидланди.

Молиявий ҳисобот учун раҳбариятнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, МҲХС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган аҳборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз аудит қилинаётган молиявий ҳисобот ножўя ҳаракатлар ва хатолар таъсиридаги муҳим бузиб кўрсатишлардан холи эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш ва ўз фикримиз баён этилган аудиторлик хулосасини эълон қилишдан иборат.

Оқилона ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлсада, АХСларига мувофиқ ўтказилган аудит молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатишларни барчасини аниқлаш имконини бермайди.

Бузиб кўрсатишлар алоҳида ёки жамлама ҳолда мазкур молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчиларни иқтисодий қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатса ножўя харакатлар натижаси деб қаралади ва муҳим бўлиб ҳисобланади.

Аудиторлик текширувини ўтказишнинг барча жараёнларида биз АХС га мувофиқ профессионал мулоҳазани қуллаган ва профессионал скептицизмни сақлаган ҳолда ҳаракат қилдик.

Аудиторлик текшируви жараёнида биз қуйидагиларни бажардик:

аудит таомилларини белгилаш мақсадида корхонадаги ички назорат тизими тўғрисида тушунчага эга бўлинди;

корхонанинг ҳисоб сиёсати ўрганиб чиқилди ва уни корхона фаолиятига мос келишлик даражасига баҳо берилди;

корхона фаолиятини узлуксизлиги борасидаги раҳбар шахсларнинг баҳоларнинг ҳақиқатга мос келишлиги тўғрисида хулоса қилинди;

текширилаётган молиявий ҳисобот буйича фикр билдириш учун етарли аудиторлик далилларини йиғилганлигининг даражаси ўрганилди;

молиявий ҳисобот, унинг таркиби ва мазмуни тўғрисида олинган маълумотларга умумий баҳо берилди ҳамда унинг ҳаққоний тақдим қилинганлик даражасига фикр билдирилди.

Бундан ташқари аудиторлик ёзма ахборотида корхона раҳбариятига корхонадаги мавжуд ҳисоб ва назорат тизимини янада такомиллаштириш борасидаги фикрларимизни баён қилдик ва «MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати таҳлили бўйича амалга оширган ҳисоб китобларимизни тақдим этдик.

МЧЖ шаклидаги **«AFROSIYOB AUDIT STANDART»**
аудиторлик ташкилоти раҳбари-аудитор: У.Б.Очилов.
(АМС № 05086)

«MITAN PAXTA TOZALASH»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

2023 ЙИЛЛИК

МОЛИЯВИЙ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИЛИШИ НАТИЖАСИДА ТУЗИЛГАН

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Митан қўрғони – 2024 йил.

ҲИСОБОТ МАЗМУНИ

1.	**КИРИШ ҚИСМИ**	
1.1.	Аудиторлик ташкилот тўғрисида маълумот	2
1.2.	Аудиторлик текшируви методологияси	2
1.3.	Хўжалик юритувчи субьектга умумий характеристика	3
1.4.	Жамиятни меёрий-ҳуқуқий фаолияти	3
1.5.	Солиқ тўлов тизими	4
2.	**ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМИ**	
2.1.	Аудиторлик текшируви натижасига кўра ички бошқарув назорати ва бухгалтерия ҳисоби тизими ҳолати	5
2.2.1.	Молиявий ҳисоботларни дастлабки таҳлили	5
2.2.2.	Асосий воситалар ва уларга эскириш қиймати ҳисобланиши бухгалтерия ҳисоби аудити	6
2.2.3	Номоддий активлар ва уларга эскириш қиймати ҳисобланиши бухгалтерия ҳисоби аудити	6
2.2.4.	Молиявий инвестициялар бухгалтерия ҳисоби аудити	6
2.2.5.	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар бухгалтерия ҳисоби аудити.	6
2.2.6.	Капитал қуйилмалар бухгалтерия ҳисоби аудити	6
2.2.7.	Узоқ муддатли дебиторлик қарздорликлар ва кечиктирилган харажатлар бухгалтерия ҳисоби аудити	6
2.2.8.	ТМҚ лар бухгалтерия ҳисоби аудити	7
2.2.9.	Келгуси давр харажатлари ва кечиктирилган харажатлар	7
2.2.10.	Дебитор ва кредитор қарздорликлар бухгалтерия ҳисоби аудити	7
2.2.11.	Касса муомалаларини юритилиши аудити	7
2.2.12.	Банк муомалаларини юритилиши аудити	8
2.2.13.	Меҳнат ҳақи ва ходимлар билан ҳисоблашишлар аудити	8
2.2.14.	Даромадлар ва харажатлар бухгалтерия ҳисоби аудити	9
2.2.15.	Ўз маблағлари манбалари аудити	9
2.2.16.	Бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ҳисоб китоби аудити	9
2.3.	Жамиятни мулкий ва молиявий ҳолати таҳлили.	11
3	Якуний қисм	11

I.КИРИШ ҚИСМИ

1.1. Аудиторлик ташкилот тўғрисида маълумот:

Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:
Ташкилот номи: МЧЖ «AFROSIYOB AUDIT STANDART» аудиторлик ташкилоти
Почта манзили: 140100. Самарқанд шаҳри, Фарход кўчаси 34-уй 29 –хона.
Давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 24.03.2008 йилда №1073 билан рўйхатга олинган.
СТИР: 206955352.
Ҳисоб рақами: 20208000504691763001.
МФО 00446 АТ «Турон банк»нинг Тошкент шахар бош офиси.
Суғурта полиси: №10/54/1/0067665 МЧЖ «MY-INSURANCE» томонидан 2023 йил 22 -сентябрдан 2024 йил 21 сентябргача бўлган давр учун берилган.
Аудиторлик ташкилоти директори: Очилов Ўлмас Баратович.

1.2. Аудиторлик текшируви методологияси

«MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг 2023 йил 01 январ кунидан 2023 йил 31 декабр кунигача бўлган давр оралиғидаги молиявий хўжалик фаолияти буйича тузилган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказилиши натижасида молиявий ҳисобот кўрсаткичларини жамиятнинг раҳбариятига тақдим этиш учун ушбу аудиторлик ҳисоботи тузилди.

Мазкур аудиторлик текширувига жамиятни 2023 йиллик 01 январдан 31 декабргача бўлган даврдаги йиллик «Бухгалтерия баланси»- форма 1, «Молиявий натижалар буйича ҳисобот»- форма 2, «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» - форма 4, «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» - форма 5, «Дебитор ва кредитор қарздорликлар тўғрисида маълумот» - форма 2а ва унга иловалар, Давлат бюджетига туловлар ва бадал туловлари ҳисоботлари, банк туловлари ва ҳужжатлар тақдим этилди.

Аудиторлик текшируви натижасида йиғилган маълумотлар аудиторлик хулоса берилиши учун асос ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви ўтказилишидан мақсад «MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг 2023 йиллик молиявий ҳисоботига бизнинг фикримизни билдиришдан иборат.

Тақдим этилган молиявий ва унга боғлиқ бўлган бошқа ҳисоботлар асосида аудитнинг миллий стандартларига мувофиқ аудиторлик текшируви ўтказилиши натижасида аудитор фикри баён этилади. Аудитор «MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг молиявий ва унга боғлиқ бўлган бошқа ҳисоботларига билдирилган фикри учун жавобгардир. Тақдим этилган молиявий ва унга боғлиқ бўлган бошқа ҳисоботларининг ҳаққонийлиги ва уларнинг мазмуни буйича жамият раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви жамият раҳбари Бегали Талибович Тожиевнинг хабардорлигида ва жамият бош ҳисобчиси Хусниддин Салохиддинович Мавлановнинг бевосита иштирокида 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ-677-сонли Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонуни, 2016 йил 13 апрелдаги №ЎзРҚ-404 рақамли Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонуни, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандрти, аудитнинг миллий стандарти ва аудитнинг ички стандартлари асосида ўтказилди. Ушбу стандартлар жамиятнинг молиявий ҳисоботларида жиддий хатоликлар ёки жиддий

бузилишлар мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида текширишни режалаштириш ва ўтказишни талаб қилади.

Мустақил аудиторлик текшируви 2024 йил 10 апрел куни ўзаро тузилган 126-сонли шартнома асосида 2024 йил 15 апрел куни бошланиб, 2024 йил 22 апрел куни тугалланди.

Аудиторлик текшируви жараёни аудиторлик исботларни йиғиш, аудитни режалаштириш, иш тартиби ва ички назорат тизими буйича олинган далиларни ўз ичига олади. Аудиторлик текшируви жамият бошқаруви томонидан тақдим этилган жамиятнинг молиявий ва унга боғлиқ бўлган бошқа ҳисоботларига тегишли маълумотларни танлов асосида аудитор масьулиятни ўз зиммасига олган ҳолда МЧЖ шаклидаги «AFROSIYOB AUDIT STANDART» аудиторлик ташкилотининг ички стандартларига мувофиқ аудиторлик таваккалчилик қилинди. АХС №9 «Жиддийлик ва аудиторлик таваккалчилик» га мувофиқ жиддийликни мумкин бўлган меъёрий кўрсаткичи белгиланмаганлиги сабабли, аудитор жиддийликни мумкин бўлган меъёрий кўрсаткичини белгилашга ҳақлидир. Бунинг учун аудитор аудиторлик текширувини режалаштириб, аудиторлик текширувини ўтказади ва аудитор оқилона асосланган ўз фикрини мустақил билдиради.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни асосида аудиторлик текшируви ўтказилиб, ҳисобот тузилди. Ушбу аудиторлик ҳисоботга киритилган маълумотлар жамиятнинг тадбиркорлик сири хисобланиб, у қатъий сир сақланиши шарт. Ушбу маълумотлар аудиторлик ташкилоти томонидан жамият раҳбар ходимларининг ёзма рухсатисиз ошкор қилиниши мумкин эмас.

Аудиторлик текширувига тақдим қилинган ҳисоботларнинг тўғрилиги, асл нусхаси эканлиги текширилмади, шунингдек, эътирозлар ҳам бўлмади.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган 1 январ 2023 йилдан 31 декабр 2023 йилгача бўлган давр оралиғидаги молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун «MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик текширувига тақдим этилмаган ёки аудиторлик текшируви тугалланган кейин тақдим этилган маълумотлар учун аудитор жавоб бермайди.

Аудиторнинг мажбурияти аудиторга тақдим этилган молиявий ҳисоботларга ЎзР «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (Янги таҳрирдаги) қонуни асосида тўғри ёндошиш, тўғри хулоса чиқариш ва ҳаққонийлигини ёритишдан иборат.

1.3. Хўжалик юритувчи субьектга умумий характеристика

«MITAN PAXTA TOZALASH» АЖ тўғрисида маълумот

Таъсис ҳужжатларига мувофиқ корхонанинг тўлиқ номи	***«MITAN PAXTA TOZALASH»*** акциядорлик жамияти
Таъсис ҳужжатларига мувофиқ корхонанинг қисқартирилган номи:	***«MITAN PAXTA TOZALASH» АЖ***
Давлат руйхатидан ўтганлик гувоҳномаси	Самарқанд вилоят, Иштихон туман Давлат хизматлари маркази томонидан 2016-йил 25-август кунида № 47-сонли гувоҳнома берилган
Манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Иштихон туман, Митан кургони, А.Темур куча- 5
Почта манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Иштихон туман, Митан кургони, А.Темур куча- 5
Ҳисоб рақами:	22626000800471168001
Банк:	АКБ « Агробанк» Иштихон булими
Банк коди:	00309
Жамият раиси:	Бегали Талибович Тожиев

Бош ҳисобчиси:	Хусниддин Салохиддинович Мавланов
ДСИ	Иштихон тумани
СТИР:	200741734

«MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги Устави 2019 йил 5 сентябрда Иштихон туман Давлат хизматлари маркази томонидан 47 рақам билан руйхатга олинган.

«MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамияти юридик шахс ҳисобланиб, ўзининг мустақил балансига эга, Ўзбекистон Республикаси худудида ва унинг ташқарисида жорий ва валюта ҳисоб рақамлари очиш ҳуқуқига эга, ўзининг тўлиқ номи ёзилган юмалоқ муҳирга, штампига, ўзининг номи ёзилган махсус қоғозларга ҳамда ўз фаолиятини юритилишини белгилаб берувчи Уставига эга.

Жамият амалдаги қонунларга мувофиқ ўзига тегишли бўлган мулкларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

Жамият ўз фаолиятини хўжалик ҳисобида юритади. Асосий мақсади фойда олиш, хўжалик юритиш фаолияти натижаларига, тузилган шартномаларнинг бажарилиши, бюджет ва бюджет олди қарздорликларини амалдаги қонун қоидалар, меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ҳисоб китоб қилиш учун жавоб беради.

Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсадига мувофиқ жамият қўйидаги фаолият турлари билан шуғулланиши Уставида қайд этилган:

-пахта хом ашёсини белгиланган тартибда харид қилиш, сақлаш, қайта ишлаш, жаҳон бозорида рақобатга бардошли юқори сифатли пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва шу орқали жамиятнинг иқтисодий самарадорлигини кучайтириш ва фойда олиш;

-пахта хом ашёсини харид қилиш ва қайта ишлаш юзасидан пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузиш ва ҳоказо.

-Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан ман этилмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши қайд этилган.

Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинса, у ҳолда ўрнатилган тартибда махсус рухсатнома (лицензия) олгандан сўнг ўз фаолиятини олиб боради.

1.4. Жамиятни меёрий-ҳуқуқий фаолияти

- Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги 370-сонли янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар;
- 29.08.1998 йилдаги № 670-1 сонли «Хўжалик юритувчи субъектларни шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (Янги таҳрирда). 30.12.2019й. ЎРҚ № 599;
- Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари;
- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 27.12.2002 йилдаги №140 сонли «Молиявий ҳисоботлар ва уларнинг тўлдирилиши тартиби тўғрисида» ги йуриқномаси.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 54 сонли 05.02.1999 йилдаги «Харажатлар таркиби тўғрисида» қарорига илова;
- Бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ва махсус йуриқномалар.

1.5. Солиқ тўлов тизими

Жамият Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ 2023 йилда қуйидаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлвчиси бўлган:

- Фойда солиғи;
- ҚҚС;

- Дивиденд солиғи;
- Сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи;
- Ер солиғи;
- Мулк солиғи;
- Жисмоний шахслар даромадидан солиқ (даромад солиғи);
- Ижтимоий солиқ тўлови.

2. ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМИ

2.1. Аудиторлик текшируви натижасига кўра ички бошқарув назорати ва бухгалтерия ҳисоби тизими ҳолати

Жамиятни бухгалтерия ҳисоботларини аудит текширувини ўтказишни режалаштирилишида жамиятнинг ички назорат тизимини ҳолатини таҳлил қилиш кузда тутилган.

Жамиятни юқори органи бўлиб жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ҳисобланади.

Жамият фаолиятини юритиш жамият умумий йиғилишида тайинланган жамият бошқаруви раиси томонидан амалга оширилади.

Жамиятда амалга ошириладиган молиявий хўжалик операцияларнинг тўғри акс эттирилиши ва ҳисобининг тўғри юритилиши устидан назорат жамият бош ҳисобчисига юклатилган.

Жамият ҳисобхонаси томонидан даврий ҳисоботлар тайёрланиши ва топширилиши ўрганиб чиқилганда, жамият 2023 йилда умумбелгиланган солиқ тизимида барча солиқ тулов турлари ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий ажратмалар бўйича ҳисобларни белгиланган муддатларда топшириб борган.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобини юритилиши учун №1 сонли БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» га мувофиқ жамиятда ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Бухгалтерия ҳисоботларини бухгалтерия ҳисоби счетлар режасига мувофиқлиги аудит текширувидан ўтказилганда, жамиятда 2023 йил давомида бухгалтерия ҳисоб китоб ишлари Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”га 2-ИЛОВАга мувофиқ юритилган.

Шартномаларнинг тузилиши ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш жамият бошқаруви раиси зиммасига юклатилган.

Ишонч қоғозларининг юритилиши, ҳисоб китоби ўрнатилган тартибда юритилган.

2.2.1. Молиявий ҳисоботларни дастлабки таҳлили

Молиявий ҳисоболарни тайёрланиши ва тақдим этилишини асоси бўлиб бухгалтерия ҳисоби ҳисобланади. Шунинг учун «MITAN PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботларини тайёрланишида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, «Маҳсулот(иш, хизмат)ларни ишлаб чиқарилиши ва сотилишида харажатлар таркиби тўғрисида ҳамда молиявий натижаларнинг шакиллантирилиши тартиби тўғрисидаги йуриқнома», шунингдек, молиявий ҳисоботларни тайёрланиши ва тақдим этилиши билан боғлиқ бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши зарур бўлади.

Аудитор фикрини билдириш учун қўйидаги молиявий ҳисоботлар тақдим этилди:

2023 йиллик 01 январдан 31 декабргача бўлган даврдаги:

2024 йил 1 январ ҳолатига «Бухгалтерия баланси»- форма 1;

2023 йиллик «Молиявий натижалар буйича ҳисобот»- форма 2;

«Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» - форма 4;
«Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» - форма 5;
«Дебитор ва кредитор қарздорликлар тўғрисида маълумот» - форма 2а ва унга иловалар, Давлат бюджетига туловлар ва бадал туловлари ҳисоботлари, банк туловлари ва ҳужжатлар тақдим этилди.

Молиявий ҳисоботларни тўғри тўлдирилиши таҳлили шуни кўрсатдики, жамиятда бир бирига боғлиқ бўлган ҳисоботлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган. Улар ўртасида боғлиқлик, аниқлик асосида суммалар тўғри қайд этилган.

2.2.2. Асосий воситалар ва уларга эскириш қиймати ҳисобланиши бухгалтерия ҳисоби аудити

2021 йил 1 январдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субьектларда асосий воситаларни мажбурий қайта баҳолаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ№4938нинг 9 бандига мувофиқ бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий андозаси №5 –сон «Асосий воситалар» буйича 34 бандида камида ҳар икки йилда бир марта асосий воситаларни йўқламадан ўтказилиши қайд этилган.

Жамиятни балансида бўлган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 2023 йил 1 январ ҳолатига 853481 минг сўмни, эскириш қиймати 85550 минг сўмни ва қолдиқ қиймати 767931 минг сўмни ташкил этган.

Асосий воситаларга ЎзР Солиқ кодекси 21-бобнинг 144-моддаси талабларига мувофиқ тўғри чизиқли усулда 19981 минг сўм эскириш қиймати ҳисобланган.

Жамиятда 2023 йилда асосий воситалар кирим ёки чиқим бўлмаган.

Жамиятни балансида бўлган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 2023 йил 31 декабр ҳолатига 853 481 минг сўмни, эскириш қиймати 105531 минг сўмни ва қолдиқ қиймати 49100 минг сўмни ташкил этган.

2.2.3. Номоддий активлар ва уларга эскириш қиймати ҳисобланиши бухгалтерия ҳисоби аудити

Жамиятда (0400,0500-счет) номоддий активлар буйича 2023 йил давомида айланма ҳаракати бўлмаган.

2.2.4. Молиявий инвестициялар бухгалтерия ҳисоби аудити

Жамиятни бухгалтерия балансини 030-сатрида Ўзоқ муддатли инвестициялар 0600- счетида 01.01.2023 йил ҳолатига 2389203 минг сўмлик ўзоқ муддатли инвестициялар бўлган. 31.12.2023 йил ҳолатига 2200000 минг сўмни ташкил этган.

2.2.5. Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар бухгалтерия ҳисоби аудити.

Жамиятни бухгалтерия балансини 090-сатрида ўрнатиладиган асбоб-ускуналар «0700» счети буйича 2023 йил давомида айланма ҳаракати бўлмаган.

2.2.6. Капитал қуйилмалар бухгалтерия ҳисоби аудити

Жамиятни бухгалтерия балансини 100-сатрида (0800-счет) капитал қўйилмалар счетида ҳисобот йили давомида айланма ҳаракат бўлмаган.

2.2.7. Узоқ муддатли дебиторлик қарздорликлар ва кечиктирилган харажатлар бухгалтерия ҳисоби аудити

Жамиятни 2023 йиллик бухгалтерия балансини 110-сатри узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва 120-сатри ўзоқ муддатли кечиктирилган харажатлар счетида маскур аудит текширувини ўз ичига олган давр давомида ҳисобот йили бошида ва охирида қолдиқ сумма бўлмаган. Айланма ҳаракат бўлмаган.

2.2.8. Товар моддий заҳиралар бухгалтерия ҳисоби аудити

Жамиятда товар-моддий заҳираларининг 01.01.2023 йил ҳолатига умумий суммаси 978758 минг сўмни ташкил қилиб, 31.12.2023 йил ҳолатига 746161 минг сўмни ташкил этган.

Материаллар кирим ва чиқимларига марказий ҳисобхонада бухгалтерия проводкалари 21-БХМС счетлари асосида берилган.

2.2.9. Келгуси давр харажатлари ва кечиктирилган харажатлар.

Жамиятнинг бухгалтерия балансини 190-сатрида келгуси давр харажатлари счётида 2023 йил ҳисобот йили давомида ҳаракат бўлмаган.

Жамиятнинг бухгалтерия балансини 200 сатрида 3210-кечиктирилган харажатлар счётида 2023 йил ҳисобот йили давомида ҳаракат бўлмаган.

2.2.10. Дебитор ва кредитор қарздорликлар бухгалтерия ҳисоби аудити.

Жамиятда 31.12.2023 йил ҳолатига молиявий ҳисоботига кўра умумий дебитор қарздорлик 27239789 минг сўмни ташкил этган.

(минг сўм).

т\р №	счет №	гуруҳлар номи	Баланс ҳисоботи		Ўсиш, камайиш
			1.01.2023 йилда	31.12.2023 йилда	
1	4000	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар	16399719	15996619	-403100
2	4120	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи	13428994	8703994	-4725000
	4200	Хизмат сафарларига берилган бўнаклар			
3	4300	ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар			
4	4400	Давлат бюджетига бунак туловлари	21829	273530	251701
5	4520	Мақсадли давлат жамғармаларига бўнак тўловлари		2612	2612
6	4700	Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	2167620	2167620	
7	4800	Бошқа дебиторлар қарзлари	95414	95414	
		Жами:	32113576	27239789	-4873787

Ушбу таҳлилдан маълум бўладики, жамиятда дебитор қарздорлик 2023 йил ҳисобот йили бошига нисбатан ҳисобот йили охирида -4873787 минг сўмга камайган.

Жамиятнинг 31.12.2023 йил ҳолатига молиявий ҳисоботига кўра умумий кредитор қарздорлик 28100027 минг сўмни ташкил этган.

(минг сўм).

т\р №	счет №	номи	Баланс ҳисоботи		Ўсиш, камайиш
			1.01.2023 й	31.12.2023 й	
1	6000	Мол етказиб берувчилардан карз	340091	343091	3000
2	6120	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз	55789	55789	
3	6300	Олинган бунаклар	29991342	27665066	-2326276
4	6400	Бюджет туловлари карзи	3663	12543	8880

5	6520	Ижтимоий солиқ			
6	6600	Таъсисчиларга булган карз	15000	9000	-6000
7	6700	Мехнатга хак тулаш буйича карз	5578		-5578
	6900	Бошка кредитор карзлар			
		Жами:	30411463	28100027	-2311436

Ушбу таҳлилдан маълум бўладики, жамиятни баланс ҳисоботи буйича жорий кредитор қарздорлик ҳисобот йили бошига нисбатан ҳисобот йили охирига -2311436 минг сўмга қарздорлик камайган.

2.2.11. Касса операцияларини юритилиши аудити

Жамиятда касса операцияларини юритилиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 17.12.1998 йилдаги №565-сонли "Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш тартиби тўғрисида"ги йуриқномаси талаблари асосида юритилган.

Ҳисобот йили давомида кассага кирим ёки чиқим бўлмаган.

Жамиятда касса операциялари 5010 «Касса» счетида субсчетларга бўлинмаган яхлит ҳолда юритилган.

- касса китоби рақамланган, ип билан тикилган, жамият айлана муҳри ва масул шахслар имзо билан тасдиқланган;

-кирим ва чиқим касса ордерларини руйхатга олиш китоби юритилган. Жамият айлана муҳри, жамият бошқаруви раиси ва бош ҳисобчиси имзоси қўйилиб тасдиқланган.

2.2.12. Банк операцияларини юритилиши аудити

Банк операцияларини текшириш Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг 12.04.2002 йилдаги №60(1/4) сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг юритилиши тартиби тўғрисида»ги йуриқномаси ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиниши асосида ўтказилди.

Жамиятнинг жорий ҳисоб рақами МФО 00309 «Агробанк» Иштихон булимида 22626000800471168001–ҳисоб рақам очилган бўлиб, молиявий алоқалар амалга оширилган.

Ушбу ҳисоб рақамида ҳисобот йили бошида 21825 минг сўм, ҳисобот йили охирида 146 минг сўм қолдиқ сумма қолган.

Ҳисоботлар банк кучирмалари бўйича солиштирилганда ва қолдиқларида фарқлар аниқланмади.

2.2.13. Меҳнат ҳақи ва ходимлар билан ҳисоблашишлар аудити

Ходимлар билан ҳисоб китоблар текшируви Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси(21.12.1995 й. ЎзР Қонуни билан тасдиқланган) ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ўтказилди.

Жамиятда 2023 йилда ўртача ходимлар сони 10 нафар кишини ташкил этган. Ходимларни шахсий картаси, аризаси, меҳнат шартномаси, ходимларни шахсий ҳужжатларини нусхалари мавжуд.

6710 «Ходимлар билан меҳнат ҳақи ҳисоб китоблари» счетида ҳисоботлар юритилган. Барча ҳисоб китоблар Компютерда юритилган. Ойлик иш ҳақлари ҳар ой охирида тўлдириладиган табеллар ва жамият бошқаруви раиси томонидан тасдиқланган штатлар жадвали асосида ҳисобланган.

Ойлик иш ҳақларининг ҳисобланиши, улардан солиқ тўловларининг ушлаб қолиниши буйича фарқлар аниқланмади.

Меҳнат ҳақи тўловлари буйича 2023 йилнинг ҳисобот йили бошига қарздорлик 5578 минг сўмни ташкил қилган бўлиб, ҳисобот йилининг охирига қарздорлик

қоллмаган. Жамиятда 2023 йилда 541290029 сўмлик ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобланган. (Маълумотномалар илова қилинади).

2.2.14. Даромадлар ва харажатлар таҳлили аудити

Жамиятнинг ДСИга топширилган Молиявий натижалар буйича 2-сон шакл ҳисоботига кўра да 2023 йилда маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум 0 минг сўмни, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 566676 минг сўмни, молиявий фаолиятдан даромадлар 0 минг сўмни ташкил этганлиги қайд этилган.

Жамиятнинг ДСИга топширилган Молиявий натижалар буйича 2-сон шакл ҳисоботига кўра да 2023 йилда сотилган маҳсулот таннархи 0 минг сўмни, Давр харажатлари 1007112 минг сўмни, шу жумладан, сотиш харажатлари 0 минг сўмни, маъмурий харажатлар 181216 минг сўмни, бошқа операцион харажатлар 825896 минг сўмни, молиявий фаолият буйича харажатлар 0 минг сўмни, фавқулодда зарарлар 0 минг сўмни, Фойда солиғини тўлагунга қадар зарар -440436 минг сўмни ташкил этган. Даромадларни тан олишда 3-БХМС қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши тавсия этилади.

2.2.15. Ўз маблағлари манбалари аудити.

Жамиятда 2023 йилда қўйидагилар:

(минг сум хисобида).

№	Номи	01.01.2023 й	31.12.2023 й
1	Устав капитали	1 463 356	1 463 356
2	Қўшилган капитал		
3	Резерв капитали	683 353	683 353
4	Тақсимланмаган фойда (Қопланмаган зарар)	-9061700	-10739816
5	Максадли тушумлар	13105341	10859556
6	Навбатдаги туловлар учун резерв		

Устав капитали.

Жамиятнинг (янги таҳрирдаги) Уставига мувофиқ Устав фондининг миқдори 1 463 356 минг сўмни ташкил этган.

Резерв (захира) капитали.

Жамиятнинг Захира фонди жамият Уставида белгиланган микдорга етгунига кадар хар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар утказиш оркали соф фойданинг 5 фоизидан кам булмаган холда Захира фондига ажратма ажратиш йули билан шакллантирилади.

Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

Тақсимланмаган фойда (Қопланмаган зарар).

Жамиятда таксимланмаган фойда (копланмаган зарар) ҳисоби 8700 счетда учети юритилган булиб, ҳисобот йили бошига -9061700 минг сўм зарар суммани, ҳисобот йили охирига -10739816 минг сўм зарар суммани ташкил қилган.

2.2.16. Бюджет ва Бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар аудити.

Жамиятда 2023 йил ҳисобот йили давомида Солиқ Кодексига мувофиқ қўйидаги солиқ ва ажратмалар тўлови амалга оширилган:

-қўшимча қиймат солиқ тўлови;

-фойда солиқ тўлови;
-мол-мулк солиғи;
-ер солиғи;
-сув солиғи;
-ишчи-хизматчилар иш ҳақидан даромад солиғи;
-ИНПСга 0,1%.
-ижтимоий солиқ тулови;

Қўшимча қиймат солиқ тулови.

Жамиятни ДСИга топширилган йиллик ҳисоботида 6-Илова - Йил бошидан товарларни (хизматларни) реализация қилиш 611318999 сўм, шундан 12 фоиз ҚҚС суммаси қулланиладиган айланмалар 611318999 сўмни, ҚҚСдан озод қилинадиган айланмалар 0 сўмни, товарларни экспортга реализация қилиш бўйича ноль даражали ставка қўлланиладиган айланмалар 0 сўмни, 12 фоиз ставкада ҳисобланган ҚҚС суммаси 73358279,88 сўмни, 4-илова Харид қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактураларда Етказиб бериш қиймати ҚҚСсиз 17 857 150 сўмни, ҚҚС суммаси 2 142 858 сўмни ташкил этганлиги қайд этилган ҳисобот ДСИга топширилган.

Фойда солиқ тўлови аудити

Жамиятнинг 2023 йиллик ДСИга топширилган Фойда солиғи ҳисоб-китоби ҳисоботига кўра:

Жами даромадлар 611 317 сўм,
Чегириладиган харажатлар 702 257 сўм,
Солиқ солинадиган фойда -90 940 сўм,
Ноль ставка қўлланиладиган солиқ тўловчилар фойдаси 0
Солиқ базаси 0 сўм, шундан 15 фоиз ставкада
Фойда солиғи суммаси – жами 0 сўм ҳисобланган.
Аудит текшируви таҳлили натижасига кўра
Жами даромадлар 611 318 999 сўм,
Чегириладиган харажатлар 702 257 000 сўм,
Солиқ солинадиган зарар -90 940 000 сўм,
Ноль ставка қўлланиладиган солиқ тўловчилар фойдаси 0 сўм,
Солиқ базаси 0 минг сўм, шундан 15 фоиз ставкада
Фойда солиғи суммаси – жами 0 сўм ҳисобланиб ДСИга қайта ҳисобот топширилиши аудит тавсия берилди.

Мол-мулк солиғи аудити

Жамиятда 2023 йилда мол-мулк солиғи ҳисоблаш базаси 6367326000 сўмни, мол-мулк солиғи 1,5 фоиз ставкада 95509890 сўм ҳисобланиб, ДСИга ҳисобот топширилган. Аудит текшируви натижасига кўра фарқ аниқланмади.

Сув солиғи

Жамиятда 2023 йилда сув солиғи ҳисобланмаган, ҳисобот ДСИга топширилган.
Аудит текширувига кўра фарқ аниқланмади.

Ер солиғи

Жамиятда 2023 йилда 356753888,36 сўм ер солиғи ҳисобланиб, ДСИга ҳисобот топширилган.
Аудит текширувига кўра фарқ аниқланмади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китоби.

Жамиятда 2023 йилда 541 290 029,00 сўмлик ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобланган. Жамиятда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 64698973 сўм ҳисобланган.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ЖШДС) ҳисоблаш базасидан 0,1 фоиз ИНПС (индивидуальный накопительный пенсионный счет) га ҳисобланиб, бюджетга тўланишида ЖШДС дан ИНПС суммаси чегирилиб тўланади. Жамиятда 2023 йиллик ҳисоботда ИНПС 455460 сўм ҳисобланган.

Ижтимоий солиқ ҳисоблаш базаси 541 290 029,00 сўмни ташкил этган бўлиб, 12 фоиз ставкада 64954803 сўм ҳисобланиб бухгалтерия проводкаси берилган ва харажатлар таркибига олиб борилган.

Аудит текширувига кўра фарқ аниқланмади.

2.3. Жамиятни мулкий ва молиявий ҳолати таҳлили.

Жамият 2023 йил молиявий хўжалик фаолиятини якунига кўра мулкий ва молиявий ҳолати таҳлили қўйидагича:

(минг сўм ҳисобида).

Курсаткичлар	1.01.2023 й		31.12.2023 й	
	Сумма, минг сум.	Улуш % да	Сумма, минг сум.	Улуш % да
Жами активлар	**36271293**	**100**	**30366476**	**100**
ш ж. Ўзоқ муддатли активлар	3157134	8,70	2331280	7,68
ш.ж.Жорий активлар	33114159	91,30	27986096	92,16
Жами Пассив	**36271293**	**100**	**30366476**	**100**
ш.ж.Ўз маблағлари манбалари	5829830	16,07	2266449	7,46
ш.ж. Мажбуриятлар	30411463	83,84	28100027	92,54
ш.ж. жорий мажбуриятлар	30411463	83,84	28100027	92,54
Тулов қобилиятлилик даражаси	1,09		1,00	

Ушбу маълумотдан кўринадики, жамият мулкини асосий қисмини жорий активлар ташкил қилади. 2023 йил 1 январ ҳолатига жамиятни тўлов қобилиятлилиги даражаси (жорий активлар / жорий мажбуриятлар) 1,09 коэфицент ёки 109 фоизни, 2023 йил 31 декабр ҳолатига 1,00 коэфицент ёки 100 фоизни ташкил қилади. Тўлов қобилиятлилик даражаси меъёр буйича 1,25 коэфицентдан кам бўлмаслиги лозим. Яъни, жамиятни тўлов қобилияти даражаси меъёрдан паст.

3. Якуний қисм.

Тавсия ва таклифлар

Шундай қилиб, жамиятни 2023 йил якуни буйича молиявий хўжалик фаолияти аудит текширувидан ўтказилди.

Бизнингча, жамиятнинг молиявий ҳисоботи унинг мулкий ва молиявий ҳолатини реал акс эттиради. Жамиятда 2023 йилда амалга оширилган молиявий хўжалик операциялари энг муҳим жиҳатлари буйича Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келади.

Жамиятда ҳисоб ва ҳисоботни қонун хужжатларига тўлиқ мослаштириш ҳамда янада мукаммаллаштириш учун қўйидагилар тавсия этилади:

1. Жамиятда жарима ҳамда пенялар тўланишига йўл қўймаслик.
2. Дебитор қарздорликларга ва тўлов муддати ўтган дебитор қарздорликлар юзага келишига йўл қўймаслик.

Ушбу ҳисобот икки нусхада тузилди.

МЧЖ шаклидаги «AFROSIYOB AUDIT STANDART»
аудиторлик ташкилоти раҳбари – аудитор: У.Б.Очилов.
(АМС №05086)

Аудиторлик ҳисобот билан танишдик ва унинг бир нусхасини олдик:

«MITAN PAXTA TOZALASH» АЖ
бошқаруви раиси: Б.Т.Тожиев.

Бош ҳисобчи: Х.С.Мавлонов.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида

ГУВОҲНОМА

Реестрдаги тартиб рақами № 376 № 1073

2008 й. 24 март

Мазкур гувоҳнома Mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi "AFROSIYOB AUDIT STANDART" auditorlik tashkiloti, қисқа номи эса MChJ "AFROSIYOB AUDIT STANDART" AT бўлган юридик

(давлат тилидаги тўлиқ номи)

шахсга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилди.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	ТҲШ 1153
Мулкчилик шакли:	МШ 142
Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига почта манзили:	МҲОБТ 1718401
Юридик шахс коди:	КТУТ 22175547
Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига асосий фаолият тури коди:	ХХТУТ 84400
Солиқ тўловчининг идентификация рақами:	СТИР 206955352

Қўшимча маълумотлар

М.Ў.

Ваколатли орган раҳбари Холбаев Собир Боратович (имзо)

"DAVLAT BELGISI" DICHB TBF, 2008

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун

ЛИЦЕНЗИЯ

Серия АФ № 00787

20 19 йил «05» апрель

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил «05» апрел даги 410-аф-сон буйругига мувофиқ

MChJ shaklidagi «AFROSIYOB AUDIT STANDART»

(аудиторлик ташкилотининг номи)

auditorlik tashkiloti Самарканд шаҳри,

Спитамен шох кўч., 157-уй СТИР 206955352 га

(аудиторлик ташкилотининг почта манзили ва СТИР)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берилади.

Д.Ш.Султанов

Ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

М.Ў.

Аудиторлик ташкилоти илгари 2014 йил 10 сентябрда берилган 00726-сонли лицензияга эга бўлган

Министерство финансов Республики Узбекистан

ЛИЦЕНЗИЯ

на осуществление аудиторской деятельности

Серия АФ № 00787

«05» апреля 2019 года

В соответствии с приказом министра финансов Республики Узбекистан от «05» апреля 2019 года № 410-аф

аудиторской организации «AFROSIYOB AUDIT

(наименование аудиторской организации)

STANDART» в форме ООО г.Самарканд,

пр.Спитамен, д.157 ИНН 206955352

(почтовый адрес и ИНН аудиторской организации)

разрешается осуществление аудиторской деятельности на территории Республики Узбекистан.

Д.Ш.Султанов

Ф.И.О. и подпись уполномоченного лица

М.П.

Ранее аудиторская организация имела лицензию № 00726 от 10 сентября 2014 года

MY INSURANCE
SUG'URTA TASHKILOTI

ПОЛИС № 10/54/1/0067665
СТРАХОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ АУДИТОРОВ

АО «MY-INSURANCE», на основании Лицензии Министерства финансов республики Узбекистан СФ № 00037 от 25 февраль 2022 года и Правил страхования по классу 13 отрасли общего страхования, а также согласно нижеотмеченному Договору страхования профессиональной ответственности аудиторов предоставляет страховую защиту:

1. СТРАХОВАТЕЛЬ:	**МЧЖ «AFROSIYOB AUDIT STANDART» AT**
2. ДОГОВОР СТРАХОВАНИЯ:	**№ 10/54/1/0067665 от 22- сентябрь 2023 года**
3. ПЕРИОД СТРАХОВАНИЯ:	**с 22-сентябрь 2023 г. по 21- сентябрь 2024 г. (обе даты включительно)**
4. ГЕОГРАФИЧЕСКАЯ ЗОНА	***Республика Узбекистан***
5. СТРАХОВОЙ СЛУЧАЙ:	факт наступления гражданской ответственности Страхователя за причинение Выгодоприобретателям вреда в связи с осуществлением аудиторской деятельности.
6. СТРАХОВАЯ СУММА:	**1 000 000 000,00 (Один миллиард) сум.**
7. ОБЩАЯ СТРАХОВАЯ ПРЕМИЯ:	**3 000 000,00 (Три миллион) сум.** без НДС.
8. ОПЛАЧЕННАЯ СТРАХОВАЯ ПРЕМИЯ:	**3 000 000,00 (Три миллион) сум.** без НДС.

Обязательства ООО «MY-INSURANCE» по выплате страхового возмещения вступают в силу с 22 сентябрь 2023 года и действуют до 24.00 часов 21 сентябрь 2024 года (обе даты включительно).

От имени СТРАХОВЩИКА

(Должность Руководителя)
АО «MY-INSURANCE»

(ФИО Руководителя)
Ёкубов Ш

(подпись и

SAMARQAND VILOYAT FILIALI

Дата выдачи: 22- сентябрь 2023г.

MI 0067665

Тел.: +998 71 205 1919
@my_insurance_1
Тошкент ш., Кичик Миробод к., 95-уй.
www.myinsurance.uz

ezgu amal